

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОРИПОВА ФЕРУЗА ШОПУЛОТОВНА

**НОСПЕЦИФИК ВАГИНИТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
ПАТОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН
ҲОЛДА ЯНГИ ДАВОЛАШ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(КЛИНИК-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТ)**

**14.00.01–Акушерлик ва гинекология
14.00.17-Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Орипова Феруза Шопулотовна

Носпецифик вагинит ривожланишининг патогенетик
механизмларини ҳисобга олган ҳолда янги даволаш
воситаларини ишлаб чиқиш (клиник-экспериментал тадқиқот) 3

Орипова Феруза Шопулотовна

Разработка новых средств лечения неспецифического
вагинита с учетом патогенетических механизмов их
развития (клинико-экспериментальное исследование) 23

Oripova Feruza Shopulotovna

Development of new means of treatment of non-specific
vaginitis taking into account the pathogenetic mechanisms
of their development (clinical experimental study) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОРИПОВА ФЕРУЗА ШОПУЛОТОВНА

**НОСПЕЦИФИК ВАГИНИТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
ПАТОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН
ҲОЛДА ЯНГИ ДАВОЛАШ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(КЛИНИК-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТ)**

**14.00.01–Акушерлик ва гинекология
14.00.17-Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1319 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ихтиярова Гулчехра Акмалевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Саидов Садамир Аббарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Исенова Сауле Шайкеновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозғистон Республикаси)

Ҳакимов Зиявутдин Зайниддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021-йил «21» шол куни соат 12³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50) e-mail: buhmi@mail.ru

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№22 рақам билан рўйхатга олинган (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий шоҳ кўчаси 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50)

Диссертация автореферати 2021-йил «7» шол куни тарқатилди.
(2021-йил «7» шол даги 03 рақамли реестр баённомаси)



[Handwritten signature]

Д.Т.Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

[Handwritten signature]

С.С. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий қотиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

[Handwritten signature]

Д.Қ. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда репродуктив ёшдаги аёллар орасида жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари сони кун сайин тобора кўпайиб бораётганлиги соғлиқни сақлаш соҳасидаги оғриқли масалалардан бири бўлиб қолмоқда. ЖССТнинг маълумотларига кўра, 30 ёшдан ошган репродуктив ёшдаги аёлларнинг 35-40%и жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларидан азият чекади, сўнгги йилларда эса ушбу касаллик янада ёшариб, акушерлик ва гинекологик амалиётларда турли асоратларга олиб келмоқда. Касалликларнинг тез-тез кайталаниши, ёшариши ва кўп учраши бу муаммонинг долзарблигини белгилайди. Барча гинекологик касалликлар ичида «...жинсий аъзоларнинг носпецифик касалликлари кўпроқ диққатни жалб этиб, бир миллиондан ортиқ аёллар яллиғланиш касалликлардан кейин меҳнат қобилиятининг чекланиши, жумладан, 25% ида ўсма олди ва 8% ида ўсма касалликларининг ривожланишига олиб келиши мумкин...»¹. Носпецифик вагинит учун уларнинг патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда янги даволаш усулларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш замонавий гинекологиянинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда носпецифик вагинит учун уларнинг патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда янги даволаш усулларни ишлаб чиқишни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада носпецифик вагинит бўлган аёлларда асосий вирусли-бактериал, замбуруғ кўзғатувчиларни дисбиоз кўрсаткичлари ва клиник кечиши, қин рН-метрияси, микробиологик, вирусологик ҳамда қин микробиотасига турли дори воситалари, янги маҳаллий дори воситаларининг қин микробиотасига таъсирини тажрибада ва дифференциал жиҳатдан баҳолаш ҳамда экспериментал қуёнлар қин аъзоларининг морфологик белгиларини, комплекс ўсимлик хом ашёси асосида ишлаб чиқилган янги шамчаларнинг самарадорлигини, репродуктив ёшдаги аёллар қинида дисбиозни тезкор ташхислаш, коррекциялаш ва олдини олишга қаратилган тизимни яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, жумладан, турли касалликлар натижасида юзага келадиган аёлларнинг гинекологик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар белгиланган. Шундан

¹Абашова Е. И. Оптимизация комплексной терапии бактериального вагиноза у женщин репродуктивного возраста // Акушерство и гинекология. - 2017. - №11. - С. 134-140.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

келиб чиққан ҳолда носпецифик вагинит учун уларнинг патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда янги даволаш усулларини амалиётида кенг қўллаш орқали самарадорлигини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳорижий олимлар томонидан носпецифик вагинитни даволаш усуллари, маҳаллий дори воситаларининг қин флорасига таъсири, шунингдек, патологик яллиғланиш жараёнларини коррекциялаш йўллари ўрганиш бўйича (D. Pietrella et al, 2017, İ Beyitler, 2017 ва S. Cribby, 2018) тадқиқотлар амалга оширилган. МДХ давлатларида (Давлетханова Э.Р., 2018, Кира Е.Ф., 2019) ҳам қин флорасининг бузилиши, диагностикаси ва даволаш алгоритми бўйича тадқиқотлар олиб борилган, вагинит бўлганда кичик тос аъзосидаги ўзгаришлар ўрганилган (Липова Е.В., Суханова А.А., 2018). Экспериментал вагинит модели бўйича НВ ни даволаш хусусиятлари тадқиқ қилинган (Должикова Е. В. , Сидеренко С. В., 2018).

Мамлакатимизда вирусли инфекцияларнинг клиник белгилари, даволаш ва текшириш усуллари (Зуфарова Ш.А., 2020), бактериал вагинозларни баҳолаш бўйича (Рахматуллаева М.М., 2020) қатор тадқиқотлар амалга оширилган, цервицитларда Баксергилнинг фармакологик хусусиятларини баҳолаш орқали янги даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Пахомова Ж.Е., Камилова И.А., 2019), бироқ, носпецифик вагинит учун уларнинг патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда янги даволаш усулларни ишлаб чиқилмаган.

Сўнгги пайтларда куркума ва унинг ҳосилалари сингари маҳаллий ўсимликлардан олинган дориларни қўллаш бўйича клиник-экспериментал тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай вагинал шамчаларни ишлаб чиқиш, улар фаолиятининг механизмларини ўрганиш ва фармацевтика саноатига жорий қилиш нафақат маҳаллий дори воситалари сонини ошириш,

балки уларни клиник амалиётга кенг жорий қилиш имконини беради. Клиник ва экспериментал маълумотларга кўра, қайталанувчи носпецифик вагинитларни даволашда турли тежамкор маҳаллий воситалардан фойдаланиш хусусиятлари ўрганилмаган, шу боис бу соҳада тадқиқотлар олиб бориш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эгаллигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент фарманцевтика институтларининг илмий ишлари режасига мувофиқ «Бухоро вилоятининг иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2018–2022 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади носпецифик вагинитни ташхислаш ва уни даволашда куркумин ёғи ва мис хелатли комплекс бирикмасига асосланган янги дори воситасининг таъсирини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

носпецифик вагинит бўлган аёлларда асосий вирусли-бактериал, замбуруғ кўзғатувчиларни аниқлаш мақсадида дисбиоз кўрсаткичлари ва клиник кечиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг хусусиятларини баҳолаш;

носпецифик вагинит белгилари диагностикасини қиёсий жиҳатдан оптималлаштириш (қин рН-метрияси, микробиологик, вирусологик) ҳамда қин микробиотига турли дори воситалари таъсирини баҳолаш;

16-фемофлор тести ва морфологик текширувлар ёрдамида янги маҳаллий дори воситаларининг қин микробиотларига таъсирини тажрибада ва дифференциал жиҳатдан баҳолаш;

экспериментал қуёнлар қин аъзоларининг гистоморфологик манзараси ўзгаришида комплекс ўсимлик хом ашёси асосида ишлаб чиқилган янги шамчаларнинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш;

репродуктив ёшдаги аёллар қинида дисбиозни тезкор ташхислаш ва коррекциялаш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро шаҳар репродуктив маркази, Бухоро шаҳридаги 16-сон оилавий шифохонасида носпецифик вагинит билан ташхисланган 110 нафар репродуктив ёшдаги аёллар ва тажрибавий тадқиқотларга олинган 40 та тажриба қуёни ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети носпецифик вагинит билан ташхислашланган аёлларнинг қин суртмалари, қин деворларнинг шиллиқ қаватининг ўзгариши, бачадон бўйнини физиологик ҳолатининг ўзгаришлари, аёлларнинг қонида TORCH инфекцияси ҳамда тажриба ҳайвонларининг қин деворларнинг ўзгариши, ПЗР усулида 16-Фемофлор тестини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, тажрибавий, гинекологик, морфологик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

носпецифик вагинитда яққол дисбиоз кўрсаткичлари ва яллиғланиш касалликларининг клиник кечиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини инобатга олиб, илк бор касалликни самарали ташхислаш ва даволашда ўсимлик хом ашёси асосида тайёрланган янги маҳаллий шамчаларнинг токсикологик хавфсизлиги, иммуноглобулин М (IgM) ва лактобацилларнинг ортиши натижасида нормоциноз шаклланишни бачадон бўйни рақ олди касалликларни олдини олиш хусусиятлари тажриба шароитида исботланган;

жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларида рН-метрия қин микрофлорасининг нейтрал ва паст ишқорли муҳитга силжишини таъминлашга қаратилган янги комбинацияланган антибактериал ва регенерацияловчи дори воситалари терапевтик таъсирининг патогенетик дисбиозни тиклаш механизми очиб берилган;

жуёнларда носпецифик вагинит моделлаштирилганда микробиотанинг ўзгариши 16-Фемофлор тести орқали кўринганда, қинда патоген ва шартли патогенли бактериал микрофлоранинг 2 баравар юқорилиги, куркумин мойи ва хелат миси билан тажрибавий даволаш шартли нормоцинознинг шаклланиши, тажриба шароитида янги вагинал шамчалар билан даволаш самарадорлигини ошириш имкони яратилган;

қиндаги қайталанувчи яллиғланиш ва регенератив жараёнларни микробиологик ва морфологик ташхислаш, даволашда илк бор маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан олинган куркумин мойи ва мис хелатининг антиоксидант, яллиғланиш, вирус ва замбуруғларга қарши, иммуномодулятив хусусиятлари асосида қин микрофлорасининг шартли дисбиозни олдини олиш орқали аёлларнинг ҳаёт сифати тикланган;

вагинитни даволашда фаоллик жиҳатдан хорижий муқобиллардан қолишмайдиган юқори сифатли ва импорт ўрнини босувчи, нисбатан арзон, токсик хусусиятга эга бўлмаган, янги дори воситасининг носпецифик вагинит даволашдаги юқори самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

носпецифик вагинитни башоратлаш дастурида даволаш учун куркумин ёғи ва мис хелати комплекси асосида тайёрланган янги ўсимлик вагинал дори воситасини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

носпецифик вагинитни даволашда фаоллик жиҳатдан хорижий муқобиллардан қолишмайдиган дори воситасининг юқори иқтисодий самарадорлиги солиштирилиши натижасида уни маҳаллий қўллаш учун тавсия қилинган;

қиндаги регенератив ва дисбиоз жараёнларни фемофлор-16 тести ёрдамида эрта ташхислаш ва даволаш алгоритмида солиштирама ташхислаш ва табақалаштирилган ёндашув мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари ва беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, тажрибавий, гинекологик, морфологик, статистик тадқиқот усулларида носпецифик вагинит учун уларнинг патогенетик механизмларини ҳисобга олган

ҳолда янги даволаш усулларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти носпецифик вагинитни даволашда дисбиоз маркёрлари, янги вагинал дори воситасининг терапевтик таъсир механизмлари, антибактериал, яллиғланишга қарши, вирусга қарши, иммунмодуляцион тикловчи хусусиятларининг ташхислаш ва даволашдаги ўрни ва аҳамиятининг назарий асосларини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий текширувларга асосланганлиги, цитологик, бактериологик ва морфологик текширувларга таяниб, импорт ўрнини босувчи ўсимлик хом ашёси асосида ишлаб чиқилган янги дори воситаси яратилганлиги ҳамда тажриба шароитида маҳсулотнинг самарадорлиги, таъсир механизми баҳоланганлиги ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Носпецифик вагинит учун уларнинг патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда янги даволаш усулларни ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

носпецифик вагинитнинг патогенетик механизмларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Қин дисбиози белгиларини аниқлаш методикаси ва уни ўз вақтида коррекциялаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-р/232-сон маълумотномаси). Натижада носпецифик вагинит ҳамда унинг асоратларини тажрибада самарали ташхислаш орқали, хасталикни амбулатор даволаш муддатини қисқартириш, ташхислаш ва коррекциялашнинг оптимал вариантларини танлаш имконини берган;

носпецифик вагинитни турли даволаш усулларида қин шиллик деворидаги патоморфологик ўзгаришларни аниқлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Экспериментал носпецифик вагинитни турли даволаш усулларида қин шиллик деворидаги патоморфологик ўзгаришларни аниқлаш методикаси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-р/232-сон маълумотномаси). Натижада экспериментал носпецифик вагинитни самарали ташхислаш орқали турли даволаш усулларида қин шиллик деворидаги патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

носпецифик вагинитни патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда янги даволаш усулларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти перинатал ва репродуктив маркази, Бухоро туғруқ мажмуаси, Когон ва Шофиркон туманлари тиббиёт бирлашмаси, Тошкент фармацевтика институти, Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент шаҳар МСНЖ «Geno Technology» лабораторияси клиник ва фундаментал тиббиёт амалий фаолиятига жорий

қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 майдаги 8н-з/105-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши носпецифик вагинитни патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда янги даволаш усулларини татбиқ этиш орқали қуёнларда носпецифик вагинит моделлаштирилганда микробиотанинг ўзгариши 16-Фемофлор тести орқали кўринганда, қинда патоген ва шартли патогенли бактериялар микробиотанинг 2 барабар юқорилиги, куркумин мойи ва хелат миси билан тажрибавий даволаш шартли нормоцинознинг шаклланиши, тажриба шароитида янги вагинал шамчалар билан даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Репродуктив ёшидаги аёллар жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларини ташхислашнинг замонавий талқини**» биринчи бобида тадқиқотнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилиниб, жинсий аъзолар яллиғланиш касалликлари, носпецифик вагинит масалаларига бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган, мавжуд ташхислаш ва даволаш усулларининг афзалликлари, камчиликлари клиник ва тажрибавий жиҳатдан таҳлил қилинган, шунингдек, Ўзбекистонда ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган, аниқлаштиришни талаб қилувчи жиҳатлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Репродуктив ёшидаги аёллар жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларини ташхислаш материал ва усуллари**» иккинчи бобида ишда фойдаланилган материаллар ва тадқиқот усуллари

тавсифланган. Тадқиқот Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент фарманцевтика институтининг марказий илмий тадқиқот лабораториясида, гистологик ва морфологик тадқиқотлар, Тошкент давлат стоматология институтининг патоморфологик лабораториясида олиб борилган.

Қўллаш самарадорлигини ўрганиш учун периферик қоннинг умумий таҳлили, микробиологик ва цитоморфологик текширувларнинг ҳамда қин шиллиғи суртмасининг кўрсаткичлари ўрганилган.

Ўтказилаётган тадқиқотларнинг тўлиқлиги тадқиқот вазифаларини бажариш мақсадида илмий-таҳлилий маълумот олиш зарурияти билан тартибга солинган.

Тадқиқотнинг 1-босқичида қин дисбиози билан касалланган 2019-2020 йилларда амбулатор Бухоро шаҳар репродуктив, диагностика марказларида, поликлиникаларда ва шаҳар туғруқ мажмуаси гинекология бўлимида турли хил усулда даволанган репродуктив ёшдаги 110 нафар аёл текширилган.

Тадқиқотнинг 2-босқичи Тошкент Фармацевтика институтининг илмий-экспериментал лабораториясида олиб борилди. Бунинг учун 45 та қуёндан фойдаланилди: тажриба ҳайвонининг қинига кумуш нитратнинг 10% ли эритмаси бўлган тампонни киритиш ва унинг экспозициясини 5 дақиқа давомида сақлаш йўли орқали 40 та қуёнда носпецифик вагинит чақирилган 6 та қуён касалланмаган гуруҳни ташкил қилган. Патология моделлаштирилганидан кейинги кундан бошлаб, ҳайвонлар 4 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ (НВ билан касалланган 10 та қуён 1-сонли препарат (куркумин+мис) орқали кунига 1 та шамчадан 7 кун давомида даволанган; 2-гуруҳ (НВ билан касалланган 10 та қуён 2-сонли препарат (тимохинон) орқали кунига 1 та шамчадан 7 кун давомида даволанган; 3-гуруҳ (НВ билан касалланган 10 та қуён павесин препарати (қиёсий прерапат) орқали кунига 1 та шамчадан 7 кун давомида даволанди; 4-гуруҳ НВ билан касалланган, даволанмаган 10 та қуён. Тошкент ФИ да тажриба ҳайвонларининг морфометрик ва морфологик кўрсаткичлари: кольпоскопия, цитология ва аёлларнинг гистологик текширувлари Бухоро ташхислаш марказида ўтказилган; қин суртмасининг рН-метрияси, ажратмалар, эритемалар, маҳаллий гипертермиянинг мавжудлиги; суртмаларда лейкоцит ва парабазал тўқималар «Mchj Geno Technology» молекуляр генетика лабораториясида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг **«Носпецифик вагинитда клиник-лаборатор ташхислаш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш»** учинчи бобида носпецифик вагинитни даволашда павесин препаратининг самарадорлиги таҳлил қилинган.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, текширилган барча аёлларда касалликнинг жами 4 та асосий мезони мавжуд бўлган. Қичишиш, ачишиш, сийдик чиқаришнинг бузилиши, қиндаги ноқулайлик, жинсий алоқада оғриқ, менструаль даврнинг бузилиши ва бошқалар – текширилган беморларнинг асосий шикоятлари бўлган (1-жадвалга қаранг). Шундай қилиб, беморларнинг 30-32,5% и қиндаги қичишиш, ачишиш ва ноқулайликка, 15% и сийдик чиқаришнинг бузилишига, аёлларнинг 11,25% и эса, жинсий алоқада оғриқ борлигига шикоят қилишган. Уларнинг даражаси назорат ва


асосий гуруҳда бир хил натижани кўрсатди.

Қиндан олинган вагинал суртманинг таҳлили барча суртмаларда лейкоцитлар мавжудлигини кўрсатган, аммо уларнинг таркиби хилма-хил бўлиб, 5-6 тадан 90 тагача хужайралардан иборат (1-расмга қаранг).

1-жадвал

Текширилган гуруҳларда носпецифик вагинознинг клиник кўринишлари

Клиник кўринишлар	Қиёсий гуруҳ n=39		Асосий гуруҳ n=41		P
	мут	%	мут	%	
Қинда қичишиш	13	33,3	13	31,7	>0,05
Қинда ачишиш	14	35,9	11	26,8	>0,05
Қинда ноқулайлик	11	28,2	13	31,7	>0,05
Сийдик чиқаришнинг бузилиши	6	15,4	6	14,6	>0,05
Жинсий алоқадаги оғриқ	3	7,7	6	14,6	>0,05




1-расм. Носпецифик вагинит билан касалланган беморларнинг қуйи жинсий аъзолари турли қисмларидан олинган суртмаларнинг микроскопик таҳлили

Ясси эпителийнинг миқдори кенг чегараларда ўзгариб турган: 5-6 тадан 25-26 та хужайрагача. Гонококклар, трихомонус ва асосий хужайралар аниқланмаган. Парабазал хужайралар 80 нафар текширилган аёллардан 11 нафари (13,75%)нинг қин суртмасида мавжуд бўлмаган, шу билан бирга, беморларнинг аксарият қисмида улар кенг миқёсда (1 тадан 10 тагача ва ундан ортиқ) аниқланди, уларнинг сони, асосан, 6-8 та хужайрага тенг бўлган. 26 нафар (32,5%) ҳолатда суртмада замбуруғлар, барча (100%) текширилган суртмаларда турли кокклар аниқланди. 46 (57,5%) нафар текширилган аёллар суртмасида шиллиқ кўп миқдорда, 29 (36,25%) ҳолатда

жуда кам миқдорда аниқланган бўлиб, беморларнинг фақатгина 5 нафариди (6,25%) у мавжуд бўлмаган (2-расм).

Суртмаларда, асосан, 30-35 та лейкоцит аниқланди. Ясси эпителийнинг миқдори кенг чегараларда ўзгариб турди: 5-6 дан 16-22 тагача хужайралар. Гонококки, трихомонус ва асосий хужайралар аниқланмади. Бачадон бўйни суртмасидаги парабазиляр хужайралар 80 нафар текширилган аёлдан 17 нафари (21,25%) да мавжуд бўлмаган, шу билан бирга, беморларнинг аксарият қисмида улар кенг миқёсда (1 тадан 8 тагача ва ундан ортиқ) аниқланди, уларнинг сони, асосан, 6-8 та хужайрага тенг бўлган. 26 нафар (32,5%) ҳолатда суртмада хамиртуруш аниқланган. 47 (58,75%) нафар текширилган аёллар суртмасида шилимшиқ кўп миқдорда, 29 (36,25%) ҳолатда жуда кам миқдорда аниқланган бўлиб, беморларнинг фақатгина 4 нафариди (5%) у мавжуд бўлмаган (2-расм).




2-расм. Носпецифик вагинит билан касалланган беморлар қуйи жинсий аъзоларининг турли қисмларидан олинган суртмаларда шиллиқнинг мавжудлик, частотаси ва унинг намоён бўлиши

Носпецифик вагинит ривожланишининг этиологик омилени аниқлаш учун биз замонавий инновацион усул - Фемофлор-16 тести амалга оширилди, ушбу усул қисқа вақт мобайнида кўп миқдордаги микроорганизмлар сонини аниқлаш имконини берган (3-расм).

Бу соҳада носпецифик вагинит билан касалланган 80 нафар аёлда олиб борилган тадқиқотлар аёллар жинсий тизимининг қуйи трактлари микроорганизмлар билан юқори даражада ифлосланганлигини кўрсатган, бактериал вагинозга полиинфекцияланиш хос бўлган. Шундай қилиб, 39 (48,75%) та вагинал суртмада – *Staphylococcus* spp., 38 (47,5%) ҳолатда - *Atopobium vaginae*, 37 (46,25%) та беморда *Streptococcus* spp., 50 (62,5%) та беморда *Eubacterium* spp., 54 (67,5%) тасида суртмаларда *Peptostreptococcus* spp., 42 (52,5%) ҳолатда - *Mycoplasma hominis*, 26 (32,5%) та ҳолатда - *Mycoplasma genitalium* ва 23 (28,75%) та суртмада *Ureplasma* аниқланган. Полибактериал инфекция 28 (35%) та ҳолатда *Sneathia* spp. + *Leptotrichia* spp. + *Fusobacterium* spp. билан биргаликда, 57 (71,25%) та беморда *Mobiluncus* spp. + *Corinebacterium* spp. билан биргаликда, 24 (30%) та ҳолатда


Megasphaera spp. + Veillonella spp. + Dialister spp. билан биргаликда келганлиги аниқланган.



3-расм. Носпецифик вагинит билан касалланган беморларда Фемофлор-16 тестининг кўрсаткичлари

Олинган маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, 31 нафар (38,75%) беморда чуқур дисбиоз, 34 (42,5%) ҳолатда дисбиоз, 5 (6,25%) та ҳолатда шартли нормоциноз, яна 5 (6,25%) нафар аёлда ўртача нормоциноз ва 5 (6,25%) ҳолатда эса нисбий нормоциноз кузатилган (4 расм).

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, НВ да, асосан, патоген қўзғатувчилар, умуман, бир неча бирлашган қўзғатувчилар учраган. Бу аёлларда оғир дисбиоз ва дисбиознинг кўп ҳолларда (текширилганларнинг 81,2% ида) учраши билан тасдиқланган. Бу эса касаллик қайталанишини камайтирувчи носпецифик вагинит терапиясини такомиллаштириш зарурлигини тақозо этган.



4-расм. Носпецифик вагинит билан касалланган беморларнинг Фемофлор-16 тести кўрсаткичлари бўйича қин микрофлораси ҳолати

Носпецифик вагинит билан касалланган аёлларда олиб борилган тадқиқот натижаларини сарҳисоб қилиб айтиш мумкинки, беморлар анъанавий равишда кўп миқдордаги ажралмалар, қичишиш, ачишиш, сийдик чиқаришнинг бузилиши, қиндаги ноқулайлик ва бошқаларга шикоят қилишган. рН-метрия қин рНсининг нейтрал ва паст ишқорли муҳитга силжишини кўрсатган, бу эса қиннинг микроорганизмлар билан юқори даражада ифлосланганлигига боғлиқ.

2 - жадвал

Асосий ва қиёсий гуруҳ аёлларда носпецифик вагинитларнинг кўзгатувчисига қараб даводан олдин ва даводан кейинги кўрсаткичлар

Показатели	Қиёсий гуруҳ n=39 даволашдан олдин ва кейин				Асосий гуруҳ, n=41 даволашдан олдин ва кейин			
	мут	%	мут	%	мут	%	мут	%
Staphylococcus spp.	18	46,2	0	0,0	20	51,3	12	29,3*
Atopobium vaginae	18	46,2	16	39,0	19	48,7	17	41,5
Streptococcus spp.	20	51,3	16	39,0	17	43,6	17	41,5
Eubacterium spp.	26	66,7	17	41,5	23	59,0	20	48,8
Sneathia spp. + Leptotrichia spp. + Fusobacterium spp.	13	33,3	6	14,6	15	38,5	11	26,8
Mobiluncus spp+- Corinebacterium spp	27	69,2	16	39,0	29	74,4	25	61,0
Megasphaera spp. + Veillonella spp. + Dialister spp.	12	30,8	0	0,0	12	30,8	10	24,4
Peptostreptococcus spp	29	74,4	6	14,6	25	64,1	22	53,7
Mycoplasma hominis	20	51,3	16	39,0	22	56,4	20	48,8
Mycoplasma genitalium	11	28,2	0	0,0	15	38,5	10	24,4
Ureplasma spp	11	28,2	35	85,4	11	28,2	36	87,8***

Диссертациянинг «Куркумин ва мис ионлари асосида тайёрланган шамчаларнинг фармакологик, токсик хусусиятлари ва унинг қин гистоморфологик тузилишига таъсири» тўртинчи бобида куркумин ва мис хелати комплекси асосида ишлаб чиқилган янги шамчаларнинг фармакологик хусусиятлари ва таъсир механизми, шунингдек, янги Куркувир


препаратининг ўткир токсиклигини ўрганиш натижалари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотлар биринчи суткада барча тадқиқот гуруҳларида ажралмалар, шиш, гиперемия, қонаш мавжудлигини кўрсатган. Даволашнинг биринчи кунидан сўнг 1, 2, 3- гуруҳ қуёнларининг жисмоний ҳолати ва ўзини тутишида ҳолсизлик, гиподинамия, иштаҳанинг пасайиши ва уйқучанлик кузатилган. Ўлим қайд этилмаган.

Даволашнинг тўртинчи кунидан еттинчи кунига қадар қуёнларнинг қинига киритилган шамчаларнинг самараси аниқ кўринган ва 1-гуруҳ қуёнларининг аҳволи тўлиқ тикланди. Урғочилар ўзини тутишида фаол, кўрик пайтидаги реакцияси тинч, қин тоза, алоҳида белгиларсиз, бачадон бўйни оч пушти рангда, меъёрга мувофиқ, яллиғланиш аломатлари мавжуд эмас, шамчаларга бардошлилик нормал ҳолатда. Иштаҳаси яхши, кўринишидан вазни ортган. Таркибида қора зира бўлган вагинал шамчалар киритилган 2-гуруҳ қуёнларининг аҳволи ҳам тикланди, аммо кўрик пайтида ушбу гуруҳнинг барча қуёнларида яллиғланиш жараёни жойлари, кам миқдорда ажралмалар ва нуқтали қонашлар аниқланган.

Пависин вагинал шамчалари киритилган 3-гуруҳ қуёнларининг аҳволи ҳам яхшиланди, қин кўриги пайтида қиёсий шамчанинг ўткир ҳиди туфайли қуёнларнинг реакцияси нотинч. Ўзига хос ҳид иштаҳанинг пасайишига сабаб бўлиши мумкин, улар гиподинамикдир. Қин ва бачадон бўйни гиперемик, оз миқдорда, оч сариқ рангдаги ажралмалар мавжуд.

Вагинал кўрик натижаларини объективлаштириш учун балл тизимидан фойдаланилди: 0 балл — белги мавжуд эмас; 1 балл — белги озгина намоён бўлган; 2 балл — белги ўртача даражада ифодаланган; 3 балл — белги ўткир тарзда ифодаланган. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган препаратни қабул қилган 1-гуруҳ ҳайвонларида даволаш муддати узайганлиги сабабли баллар сезиларли даражада - 1,3; 2,31 ва 5 барабарга, мос равишда 2, 3 ва 4 кун муддатдан кейин пасаяди, кейинги даврларда эса, НВнинг клиник кўринишлари бутунлай йўқолади (5-расм).




5-расм. Турли препаратлар билан даволаш жараёнида носпецифик вагинознинг клиник кўринишлари балларининг ўзгариш динамикаси

Тимохинон шамчаларидан фойдаланилган 2-гурух ҳайвонларида ҳам ижобий, аммо 1-гурухга нисбатан унчалик ёрқин фойдаланмаган динамика кузатилди. Шундай қилиб, тажрибанинг 3-, 4-, 5-, 6- ва 7-кунларида 1-суткаларга нисбатан балларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда - 1,76; 2,5; 2,5; 3,33 и 4,29 баравар пасайганлиги аниқланган.

Пависин билан даволанган 3-гурух ҳайвонларида ҳам шундай ижобий динамика кузатилди, яъни тажрибанинг 3-, 4-, 5-, 6- ва 7-кунларида 1-чи суткаларга нисбатан балларнинг, мос равишда статистик жиҳатдан аҳамиятли миқдорда - 2; 3,33; 3,33; 3,75 ва 6 баравар пасайганлиги аниқланган. Шу вақтнинг ўзида, 4-гурух ҳайвонларида клиник белгилар балларининг пасайганлиги кузатилмади. Бинобарин, қуёнларда тажрибавий вагинозни даволашда куркумин ва мис хелати асосида тайёрланган прерапат ва пависин энг самарали бўлиб, тимохинон препарати биров кучсиз бўлиб чиққан.

Тажриба ҳайвонларининг қин рН қийматининг ўзгариш динамикаси шуни кўрсатдики, ушбу кўрсаткич 1-гурухда статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасайган, тажрибанинг 7-кунида $5,2 \pm 0,05$ ни ташкил этган (6-расм). 2- ҳамда 3-гурух қуёнларида қин рН ўзгаришининг бир хил динамикаси аниқланган бўлиб, тажриба охирида мазкур кўрсаткич гуруҳлар бўйича мос равишда $6,12 \pm 0,05$ ва $6,12 \pm 0,06$ ни ташкил этди. Шу билан бирга, тажрибанинг 7-кунида назорат гуруҳи ҳайвонларида рН қиймати $6,75 \pm 0,05$ дан $7,53 \pm 0,8$ гача кўтарилди.

Қуйи жинсий аъзоларнинг турли қисмларидан олинган суртмаларнинг таҳлили носпецифик вагинит моделини амалга оширишнинг 1-кунида барча текширилаётган гуруҳларда юқори кўрсаткичларга эга бўлган. Мазкур патологияни ишлаб чиқилган прерапат орқали даволаш касалликнинг қинда 2,86 баравар, бачадон бўйнида - 2,59 баравар, уретрада - 2,07 баравар пасайганлигини кўрсатган.



6-расм. Турли дори воситалари билан даволаш жараёнида носпецифик вагинит билан касалланган ҳайвонларнинг қин рН қиймати ўзгаришининг динамикаси

Тажрибавий носпецифик вагинитнинг тимохинон билан фармакотерапияси ҳам самарали бўлиб чиққан, чунки диссертант томонидан


ясси эпителийнинг қинда - 1,85, бачадон бўйнида - 1,51, уретрада - 1,38 баравар пасайганлиги кузатилди. Ушбу патологияни пависин билан даволаш унинг қинда - 2,43 баравар, бачадон бўйнида - 2,18 баравар, уретрада - 2,06 баравар пасайганлигини кўрсатган. Шу билан бирга, даволанмаган 4-гуруҳда қуйи жинсий аъзоларнинг барча бўлимларида ясси эпителий миқдорининг кўпайганлиги кузатилган.

Моделни амалга оширишнинг 1-кунида барча гуруҳ ҳайвонлари қинида 6-7 та парабазиляр ҳужайра аниқланган. Тажрибанинг 7-кунида ишлаб чиқилган прерапарт билан даволанган ҳайвонларда парабазиляр ҳужайралар аниқланмаган. Тажрибавий вагинит билан касалланган, тимохинон билан даволанган қуёнлар гуруҳида пасайиш тенденцияси кузатилган бўлса-да, 5-6-7 та ҳужайралар аниқланган. Пависин қўлланилганда ижобий тенденция янада ёрқин ифодаланган (4-5 та ҳужайра аниқланган). Шу билан бирга, даволанмаган ҳайвонлар гуруҳида ушбу ҳужайраларнинг сони ошиб кетаверган. Бундай силжишлар бачадон бўйни ва уретрада аниқланган. Тадқиқотнинг дастлабки босқичларида суртмаларда кокклар борлиги аниқланган.


Тажрибавий вагинитни куркумин ёғи ва мис хелати комплекси орқали даволашнинг 7-кунида текширилган барча бўлимларда ҳеч қандай микроорганизмлар аниқланмаган. Тимохинон ёки пависин қўлланилганда, улар кам ҳолларда аниқланди, даволанмаган ҳайвонлар гуруҳида улар кўпайиш тенденциясига эга бўлган.

Касалланмаган қуёнларнинг қин шиллик қаватининг морфофункционал тузилишини ўрганишда у физиологик меъёрга тўғри келган. Вагинал деворда барча қаватлар: шиллик, мушак ва адвентициал пардалар яхши аниқланган. Шиллик қаватда нормал эпителий қатлами, шилликнинг ўз пластинкаси ва шилликости бириктирувчи қатлами кўринадди, базал қатлам сақланган, эпителий остида ҳужайра-тўқима стромаларида кўп миқдордаги юпқа деворли қон томирлари кўринган. Девор бироз катталашганда қатлам эпителийида кам миқдорда тукли ўсмалар кўринган (7-расм).

Турли прерапатлар орқали даволашнинг учинчи кунидан бошлаб, еттинчи кунга қадар тажриба гуруҳидаги қуёнларининг қин шиллик қаватининг гистологик текширувларида қуйидаги кўрсаткичлар аниқланган. 1-асосий гуруҳ қуёнларида даволаш усулини қўллашдан олдин, қин деворининг морфологик текшируви ўтказилганда нотекис гиперкератоз, эпителийда шохли чўткалар, кечган яллиғланиш жараёни белгиси сифатида акантозли кўп қатламли текис эпителий, базал мембрана нотекис юпқалашганлиги кузатилган (8-расм). Қин шиллигининг кўп қатламли текис эпителийси юпқалашган, стромада майда кистоз бўшлиқлар тўдаланган, ички девор бир қаватли текис эпителий билан ўралган. 1-сонли препарат (куркумин ёғи ва хелат миснинг комплекс бирикмаси) ёрдамида даволангандан сўнг, қин морфологик текшируви натижалари ҳужайравий толали строма қон томирларига ва без ҳужайраларига бой эканлигини кўрсатди (9-расм).




А




Б

7-расм. Касалланмаган қуён. Қин деворининг қўп қатламли ясси эпителийида патология белгилари мавжуд эмас, эпителий остида ҳужайра-толали стромада қўп миқдорда юпқа деворли қон томирлари кўринади (а). Гематоксилин ва эозин билан бўйялган. Катталаштириш ҳажми $\times 10.0$. (б). Касалланмаган қуён қинининг шиллик қавати нормал қўп қатламли ясси эпителий билан ифодаланади, базал қатлам сақланган, шиллик стромасида етилган коллаген толалар ва майда томирлар. Гематоксилин ва эозин билан бўйялган. Катталаштириш ҳажми 10.0 .

Тадқиқ қилинаётган модданинг ўткир токсиклигини ўрганиш умумий қабул қилинган усул бўйича 2500-3000 г оғирликдаги ҳар иккала жинсли 36 та қуён устида амалга оширилган. Ўрганилаётган модда ҳайвонларга уларнинг оғирлигига қараб, 0,3; 0,5; 0,75 дозаларда оғиз орқали юборилиб, ҳайвонларнинг аҳволи виварий шароитларида 14 кун давомида кузатилди.



8-расм. 1-гурух. Қин шиллиғининг қўп қатламли текис эпителийси юпқалашган, стромада майда кистоз бўшлиқлар тўдаланган, ички девор бир қаватли текис эпителий билан ўралган. Гематоксилин ва эозин билан бўйялган. Катталаштирилган ҳажми $\times 10.0$.



9-расм.1-гурух. Қин шиллиғида хужайравий толали строма қон томирларига ва без хужайраларига бой. Гематоксиллин ва эозин билан бўялган. Катталаштирилган ҳажми х10.0

Бунда ҳайвонларининг хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай патологик реакциялар қайд этилмаган. Улар фаол бўлиб, заҳарланиш аломатлари аниқланмаган, улар овқатини тўлиқ истеъмол қилишган. Қуёнларнинг умумий ўзини тутиши, юнгининг ранги, шиллик қаватлар ҳолати, нафас олиши, юрак уриши, ҳаракат фаоллиги ва ўлими ҳисобга олинган. Кузатув даврида (14 кун давомида) ҳайвонларининг ўлими кузатилмаган.

Куркумин ёғининг ўткир токсиклигини ўрганиш тажрибаларининг иккинчи қисми Ноакес ва Сандерсон (Noakes, Sanderson, 2006) усулида, иккала жинсдаги оқ сичқонлар устида амалга оширилган. Қуёнлар бўйни ва ён томонларининг олдиндан қирқилган 1см² (1х1см) ли тери майдонларига 0,3г, 0,5г ва 0,75г миқдорда суртилган. Ҳайвонлар алоҳида катакларга жойлаштирилган, ўрганилаётган моддали тери майдонлари очик қолдирилиб, модда юборилган кунда ҳар соат, 2-3-куни кунига 3 марта ва тажрибанинг кейинги 14 кунда кунига 1 марта кузатув олиб борилган. Қуёнларнинг умумий ўзини тутиши, модда суртилган жойда тери қатламларининг аҳволи, қизариш борлиги, юнги ҳолати, ҳаракат фаоллиги ва ўлими инобатга олинди. Кузатув даврида (14 кун давомида) ҳайвонларнинг ўлими кузатилмаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўрганилган Куркувир препарати ошқозон ичига юборилганда ва терига суртилганда кам токсикли бўлиб, нисбатан зарарсиз моддаларнинг IV синфига киради.

Қиёсий гуруҳларда қин шиллик қаватининг патоморфологик текширувларидан олинган натижалар 1-сонли (куркумин+мис) препаратини янада чуқур ўрганиш учун асос бўлиб, кейинчалик уни турли этиологияли бактериал вагинитни даволашда амалиётга жорий қилиш ва қўллашга хизмат қилади.

Шундай қилиб, тажрибавий бактериал вагинит билан касалланган ҳайвонларни 1-сонли (куркумин+мис) препарати билан шамча киритиш орқали даволаш носпецифик яллиғланиш жараёнини бутунлай бартараф

этиб, маҳаллий яллиғланиш жараёнининг белгиларини самарали тарзда йўқотишга олиб келади, бу қин шиллик қаватининг морфологик текшируви натижалари орқали тасдиқланган. Терапевтик таъсир самарадорлиги жиҳатидан таркибида куркумин ва мис бўлган шамчалар «Пависин» қиёсий препаратидан устун туради.

Клиник-тажрибавий тадқиқотлар ўтказилгандан сўнг, жинсий аъзолар яллиғланиш касалликлари (шу жумладан, носпецифик вагинит) ни микробиоценоз ва гистология кўрсаткичлари орқали ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш учун дастур (ЭХМ № DGU 08862) яратилган.

Жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликларини эрта ташхислаш ва патогенетик коррекцияси бўйича ишлаб чиқилган ушбу дастур соғлиқни сақлаш амалиёт шифокорлари ва айниқса, бирламчи тизим амбулатория тармоғида диагностика вақтини қисқартириш имконини беради.

ХУЛОСАЛАР

«Носпецифик вагинит ривожланишининг патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда янги даволаш воситаларини ишлаб чиқиш (клиник-экспериментал тадқиқот)» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши натижалари бўйича қуйидаги хулосалар берилди:

1. Носпецифик вагинит билан касалланган аёлларнинг 40% ида Фемофлор-16 тести орқали дисбиоз аниқланди, унда, асосан, патоген ва шартли патоген микрофлора етакчилик қилди, кучли дисбиоз билан клиник кечиш хусусиятлари ўртасида алоқа аниқланди. Бактериал флора, вирусли ва замбуруғли кўзгатувчилар ассоциацияси аниқланди: вагинал суртмаларида 62,5% ни - *Eubacterium spp.* ва 67,5% ни - *Peptostreptococcus spp.* ташкил этди. Полибактериал инфекциялардан: *Mobiluncus spp.* + *Candida* + *Corinebacterium spp.* 1,5 барабар кўп миқдорда учради. Вирусли инфекциялардан 53,75% ини ЦМВ ва 52,5% оддий вирус герпеси TORCH-инфекциялари кузатилди.

2. Носпецифик вагинит билан касалланган аёлларнинг қин рН-метрияси ўтказилганда, рН-муҳитнинг нейтрал муҳит томон ўзгарганлиги турли қисмларда микробиотлар номуносиблигини тезлаштирди ва кольпоскопик тасвирни оғирлаштирди. Пависин шамчасини қўллаш юқорида қайд этилган белгиларни маълум даражада камайтирди, аммо бутунлай тикланиш кузатилмади. Микробиологик, вирусли ва кольпоскопик текширув натижаларига кўра, Куркувир яллиғланишга қарши, антибактериал, замбуруғга қарши, иммунитет ҳосил қилувчи ва тикловчи хусусиятга эга. Куркумин мойи ва хелат мисининг ижобий таъсири носпецифик реакцияни бутунлай бартараф этиб, қин шиллигини тиклайди, таққослаш натижаларига кўра, унинг антибактериал хусусиятлари «Пависин» ва айниқса, тимохинондан анча юқори.

3. Қуёнларда носпецифик вагинит моделлаштирилганда микробиотанинг ўзгариши Фемофлор-16 тести орқали кўринганда, қинда патоген ва шартли патогенли бактериал микрофлоранинг 2 барабар юқорилигини кўрсатди.

Куркумин мойи ва хелат миси билан тажрибавий даволаш шартли нормоцинознинг шаклланишига олиб келиб, фаоллигига кўра, хорижий муқобиллардан анча юқори.

4. Куркувир билан даволанганда қуёнлар қин шиллик қаватидаги зарарланган қисмларнинг тикланишини морфо-гистологик текширув натижалари тикланишига бўлган ижобий таъсирни намоён этиб, заҳарланиш йўқлиги, эксудациянинг 1,5 баравар камайганлиги, грануляциянинг 1,2 баравар кўп ҳосил бўлиб, тикланиш жараёни 1,5 баравар қисқарганлигини кўрсатди. НВни Куркувир дори воситаси билан комплекс даволаш стандарт терапиянинг клиник натижаларини яхшилайти, даволаш муддати ишонарли тарзда 1,2 баравар камайиб, қайталаниш частотаси 1,5 баравар, қайталаниш ҳолатларини даволаш муддати 3,5 кунга қисқариб, токсиклиги бўйича IV-синфга мансублиги аниқланган.

5. Жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларини эрта ташхислаш ва коррекциялаш бўйича ишлаб чиқилган дастур бошланғич бўгин ва амбулатория тармоқларидаги амалиётчи-шифокорлар учун ташхислаш ва касалликни ўз вақтида коррекциялаш муддатларини қисқартириш имконини беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВАНИИ НАУЧНОГО СОВЕТА
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ОРИПОВА ФЕРУЗА ШОПУЛАТОВНА

**РАЗРАБОТКА НОВЫХ СРЕДСТВ ЛЕЧЕНИЯ НЕСПЕЦИФИЧЕСКОГО
ВАГИНИТА С УЧЕТОМ ПАТОГЕНЕТИЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ ИХ
РАЗВИТИЯ (КЛИНИКО-ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ)**

**14.00.01 – Акушерство и гинекология
14.00.17-Фармакология и клиническая фармакология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №01 В2020.4.PhD/Tib.1120.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и в информационно-образовательном портале “Ziyonet” (www.ziyonet.uz)

Научные руководители:

Ихтиярова Гульчехра Акмаловна
доктор медицинских наук, доцент

Саидов Саидамир Аброрович
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Исенова Сауле Шайкеновна
доктор медицинских наук, профессор
(Республика Казахстан)

Хакимов Зиявутдин Зайниддинович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Центр развития профессиональной
квалификации медицинских работников**

Защита диссертации состоится «2» июля 2021 г. в 12³⁰ часов на заседании разового научного совета PhD 04/13.05.2020.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, Бухара, ул. Навоий-Шох, 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail:buhme@mail.ru).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №022). Адрес: 200118, Бухара, ул. Навоий-Шох, 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «7» июля 2021 года.

(Реестр протокола рассылки №03 от «7» июля 2021 года).



Д.Т.Ходжиева

Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc)

С.С.Пулатов

Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат медицинских наук

Д.К.Хайдарова

Заместитель председателя разового научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире рост количества воспалительных заболеваний половых органов среди женщин репродуктивного возраста остается одной из самых болезненных проблем в сфере здравоохранения. По данным ВОЗ, 35-40% женщин репродуктивного возраста старше 30 лет страдают воспалительными заболеваниями половых органов, а в последние годы это заболевание стало более распространенным, приводя к различным осложнениям в акушерско-гинекологической практике. Частые рецидивы заболеваний, омоложение и частая встречаемость определяет актуальность данной проблемы. Среди всех гинекологических заболеваний «...неспецифические заболевания гениталий привлекают больше внимания, они могут привести к ограничению работоспособности после воспалительных заболеваний более одного миллиона женщин, к развитию у 25% предраковой опухоли, у 8% опухолевых заболеваний...»¹. Внедрение нового лекарственного средства в фармацевтическую промышленность, применение внедряя в лечебную практику современных лекарственных препаратов при воспалительных заболеваниях, на сегодняшний день повышение эффективности лечения неспецифического вагинита и улучшение качества жизни больных считаются одним из актуальных задач. Совершенствование разработки новых методов лечения неспецифических вагинитов с учетом их патогенетических механизмов является одной из важных проблемных задач современной гинекологии.

В мире уделяется особое внимание исследованиям, направленным на совершенствование разработки новых методов лечения неспецифического вагинита с учетом их патогенетических механизмов. В связи с этим оценка показателей дисбиоза основных вирусно-бактериальных, грибковых возбудителей у женщин с неспецифическим вагинитом и клинического течения, рН-метрии влагалища, микробиологических, вирусологических и различных препаратов для микробиоты влагалища, экспериментальная и дифференциальная оценка влияния новых местных препаратов на микробиоту влагалища и эффективность новых разработанных суппозиторий на основе комплекса растительного сырья, морфологических признаков влагалища экспериментальных кроликов, разработка программ экспресс диагностики и коррекции, а также терапии, направленной на профилактику дисбиоза влагалища женщин репродуктивного возраста имеет особое значение.

В нашей стране особое внимание уделяется поднятию уровня медицинских услуг на новый уровень, в том числе повышению качества диагностики, лечения и профилактики гинекологических заболеваний, вызванных различными заболеваниями. В связи с этим в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на

¹Абашова Е. И. Оптимизация комплексной терапии бактериального вагиноза у женщин репродуктивного возраста // Акушерство и гинекология. - 2017. - №11. - С. 134-140.

2017-2021 годы определены задачи «...повышение доступности и качества оказания специализированной медицинской помощи, дальнейшее реформирование скорой и экстренной медицинской помощи, профилактика инвалидности...»². Исходя из этого для неспецифического вагинита одним из актуальных научных направлений является реализация эффективности за счет широкого использования на практике новых методов лечения с учетом их патогенетических механизмов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП–4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП–5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП–3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, №ПП–4513 «О повышении качества и дальнейшем расширении охвата медицинской помощью, оказываемой женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям» от 8 ноября 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной деятельности.

